



АМАЛИЙ ИШЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

1 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида соғлиқни сақлаш соҳасидаги вазифалар ижроси ҳамда келгусидаги режалар кўриб чиқилди.

Маълумки, шу йил 18 март куни давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот ўтказган эди. Унда айтилган муаммо ва тақлифлар асосида замонавий даволаш амалиётларини татбиқ қилиш, тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, соҳа ходимларининг ойлик маошларини ошириш каби кўплаб вазифалар белгиланган эди.

Йил бошидан буён жойларда 85 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалар очилиши натижасида 700 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизматлар яқинлашди. Худудларда хирургия йўналишида кўшимча 27 турдаги, эндокринологияда 7, кардиологияда 14 турдаги юқори технологик амалиётлар жорий қилинди.

Ўтган ойлarda Давлат суғурта жамғармасидан 25 минг нафардан зиёд эҳтиёжманд аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилди. Қорақалпоғистон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Фарғонада 87 минг аҳоли манзилли тиббий кўриқдан ўтказилди. 1 июндан тиббиёт ходимларининг ойлик маоши 30 фоизгача оширилди.

Илгирлигида шу каби амалий ишлар билан бирга галдаги вазифалар ҳам муҳожама қилинди.

— Инсон қадрли тамойилини инobatта олиб, охириги йилларда тиббиёт соҳасида ҳам кўп фармон ва қарорлар қабул қилдик, — деди давлатимиз раҳбари. — Глобал синовларга қарамасдан, тиббиёт ходимларининг ойликларини кўтариш чораларини кўрдик. Ҳамма

жойда, энг чекка қишлоқда ҳам тизим намоён бўлиши зарур. Ҳар бир фуқаронинг соғлиғи назоратда бўлиши керак.

Йилгиллида мутасаддилар соҳада бошқарув ва моддий шароитларни яхшилаш, даволаш протоколларини ўзгартириш, тиббий суғурта тизимини кенгайтириш, тиббий таълимни ривожлантириш йўналишлари бўйича ахборот берди.

Авалло, бирламчи бўғинга эътибор қаратилиб, жорий йил якунигача яна 51 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларни ишга тушириш, мингта маҳаллада тиббий пунктлар ташкил қилиш, аҳолини манзилли скринингдан ўтказиш вазифалари белгиланди. Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган ишларнинг бориши кўриб чиқилди.

Худудий шифохоналарда юқори технологик амалиётлар турини 250 тага етказиш, бунинг учун улардаги тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, янги имтиёзли даволаш тизимини тўлиқ жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз соҳани рақамлаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Аввал берилган топшириққа кўра, тиббиёт муассасаларининг бу борадаги инфратузилмаси янгиланмоқда. Худудлардаги шифохоналарда компьютерлар билан таъминланиб, локал тармоққа уланмоқда. Халқаро стандартлар асосида ягона классификатор, реестр ва маълумот алмашинуви дастури ишлаб чиқилмоқда.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНИШИДА СОҲАГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРЪ ВАЗИФА

Ўзбекистон янги тараққиёт ва миллий юксалиш даврига қадам қўйди. Кўп миллатли халқимиз янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессансга пойдевор қўйишдек улугвор гоғлар рўёби йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, дунёнинг энг тараққий этган давлатларига хос ҳаёт даражасига эришишдек олий мақсад билан яшашмоқда.

Мамлакатимизни янада тараққий эттириш борасида улугвор мақсад ва вазифалар ифодаси — 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Инсон қадрли учун” тамойили барча ислохотларнинг бош мезони сифатида белгилангани бежиз эмас.

Бош стратегик дастуриимизда назарда тутилган етти та устувор йўналиш бўйича “Инсон қадрли учун 100 та мақ-

сад”нинг ижроси эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институтининг улкан имкониятларидан самарали фойдаланиш, худудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳалланинг ваколатларини кенгайтириш, уни халқчил ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи таъсирчан институтга айлантиришни тақозо этади.

▶ Давами 2-бетда



МАВСУМ

УЙЛАР ТЎЛИБ, ТЎКИЛСИН ДОН

Далага уруғ сепилиб, ҳосили етилиб, йиғиштириб олингунча деҳқоннинг тинчи бўлмайди. Қишни қиш, ёзни ёз демасдан бор кучини сарфлаб, меҳнат қилади. Эртанги кунда хирмон донга тўлганда барча ҳаракатлар самарасини кўриб, кўнгли равшан тортади.

▶ Давами 2-бетда



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

ЯНГИ НАВЛАР —

ЮҚОРИ МАҲСУЛДОРЛИК ГАРОВИ

Аҳоли сони ошиши ва иқлим ўзгариши, қолаверса, экологияга боғлиқ муаммолар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда келажаги кафолатланган ўсимлик навларидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Аввалгидек бир экинни экиб, йил яхши келса, ҳосилимиз мўл бўлади, аксинча бўлса — йўқ, деб ўтириш ярамайди. Юртимизнинг ўсимлик дунёси ранг-баранг. Бир ўсимликнинг кўплаб навларини учратиш мумкин. Қўтилган ҳосилни олиш учун геном ва генетик хилма-хилликни ўрганиш бўйича инновацион лойиҳаларни амалга ошириш зарур.

▶ Давами 4-бетда

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон — Тожикистон: УМУМИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА СИЁСИЙ ВА ДИПЛОМАТИК ҚАДАМЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЗАРУР

Тожикистон Ўзбекистоннинг географик жihatдан ажралмас қўшниларидан бири. Халқларимиз маънавий ва маданий жihatдан бир-бирига яқин, бир динга эътиқод қилади. Кундалик ҳаёт, анъана ва урф-одатлар, санъат яхлит макон фалсафасига бирлашган. Бизни умумий тарих ва қадриятлар, ўзаро ҳурмат ва кўп асрлик яхши қўшничилик руҳи бирлаштириб туради. Бу Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

▶ Давами 3-бетда



ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ЎЗАРО ҲУРМАТ, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Тошкентдаги Марказий Осиё халқаро институтида минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлашда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шерикликнинг аҳамиятига бағишланган илмий-амалий халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ҳар икки мамлакатдан олимлар, етакчи таҳлил тузилмалари экспертлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Ф.Сидиқов, Марказий Осиё халқаро институти директори А.Носиров, Тожикистон Президентини ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази

директори Х.Усмонов ва бошқалар халқларимизни умумий тарих, маданият ва маънавий қадриятлар, ўзаро ҳурмат ҳамда яхши қўшничиликнинг кўп асрлик анъаналари бирлаштириб туришини таъкидлади. Бу яқинлик Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги муносабатларга мустаҳкам замин, асосий тамойил бўлиб хизмат қилмоқда.

▶ Давами 3-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНИШИДА СОҲАГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРЪ ВАЗИФА

Содиқжон ТУРДИЕВ,
маҳалла ва нурунийларни
қўллаб-қувватлаш вазирининг
биринчи ўринбосари,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
сенатор

Бошланиши 1-бетда

Шу маънода, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини ташкил этиш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз стратегиянинг инсон қадрини юксалтириш ва халқларвар давлат барпо этиш йўналишидаги қўйидаги вазифаларни белгилаб берди:

— маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантириш;
 — халқ билан мулоқот механизмларини такомиллаштириш;
 — “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа ҳудудий дастурларни жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқиш;
 — давлат органларини “маҳаллабай” ишлаш тизимига ўтказиш;

— электрон давлат хизматлари улушини амалдаги 54 фоиздан 90 фоизга етказиш;
 — жамоатчилик фикрини мунтазам ва илмий асосланган ҳолда тизимли ўрганиш.

Дарҳақиқат, ислохотлар инсон қадрини ҳимоят қилсагина ҳаётий аҳамият касб этади. Инсон қадр-қиммати эса, энг аввало, маҳаллада намоён бўлади. Маҳалла — аҳолига, оилаларга энг яқин тузилма. Шу жиҳатдан кейинги йилларда маҳаллаларда замонавий инфратузилма яратиш, “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Эндиликда бу борадаги ишлар янги-ча йўналиш ва мазмун билан давом эттирилади, маҳалланинг фаол модели яратилади.

Маҳалла азалдан аждодларимиз юксак тафаккури, эзгу аъёнлари, миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган ноёб ижтимоий тузилма бўлиб келган. Бугунги кунда унга янги-ча мазмун бахш этилаётгани инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг ўз ҳаётини розилигини таъминлаш, эртанги кунга қомил ишонч билан ҳаракат қилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, маҳалла том маънода ислохотлар марказига айланмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони маҳаллани ҳақиқий ислохотлар марказига айлантириш борасидаги ишларнинг янги босқичига асос солди.

Мақсуд фармон билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигига айлантирилди.

Маҳаллада яхлит тизим ташкил этилиб, ҳоким ёрдамчиси камбағалликни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратишга, ёшлар етакчиси ёшлар сиёсати ва ёшлар балансига, хотин-қизлар фаоли аёллар масаласига масъул бўлди.

Маҳалла раиси уларнинг ўзaro ҳамжихат ишлашини мувофиқлаштирувчи, ўз ҳудудининг ҳақиқий эгасига, юз берган ҳар бир ҳолат учун бирламчи жавобгар ва масъул мутасаддига айланмоқда.

Бугунги кунда маҳаллада яратилган яхлит тизим орқали осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида **6 минг 822 та “Фидокор ёшлар”** жамоатчилик патруль гуруҳи ташкил этилиб, мулоқотга киришувчан, ташаббускор, ташкилотчи **14 минг 957 нафар** ёш жалб қилинди.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган **1 минг 321** шахсни реабилитация марказларига, қаровсиз қолган **4 минг 314 нафар** вояга етмагани ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш

марказларига жойлаштириш орқали ҳимояси таъминланди, тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган **8 минг 810** хотин-қизга ҳимоя ордери берилди.

Бу ишлар натижаси ўлароқ, мавжуд **9 минг 349** та маҳалланинг **7 минг 211** тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига кўра, “Маҳалла тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага мувофиқ, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли маҳалла кенгаши таркибига киритилади, маҳалла ходимларининг ҳудудда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари ҳамда маҳаллани комплекс ривожлантириш бўйича коллегиял масъулияти ва жавобгарлиги доираси аниқ белгиланади. Шунингдек, маҳалла раисларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими қучайтирилади, жумладан, уларнинг соғлигини тиклаш (бепул тиббий даволаниш, санаторийларга имтиёзли йўланмалар бериш) ҳамда давлат мажбурий сугуртасидан (фаолияти давомида меҳнат лаёқатини йўқотганда ҳаёти ва соғлигига етказил-

“БУГУНГИ КУНДА МАҲАЛЛАДА ЯРАТИЛГАН ЯХЛИТ ТИЗИМ ОРҚАЛИ ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА 6 МИНГ 822 ТА “ФИДОКОР ЁШЛАР” ЖАМОАТЧИЛИК ПАТРУЛЬ ГУРУҲИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, МУЛОҚОТГА КИРИШУВЧАН, ТАШАББУСКОР, ТАШКИЛОТЧИ 14 МИНГ 957 НАФАР ЁШ ЖАЛБ ҚИЛИНДИ.

ган зарарни қоплаш) фойдаланиш имкониятлари оширилди.

Аҳоли муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича тўрт босқичли “маҳалла — туман — вилоят — республика” тизими жорий этилади. Бунда маҳалла раиси томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида доимий муҳокамалар ўтказилади. Ҳар ойда маҳалла кенгашида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ахбороти эшитиб борилади. Маҳалла раиси ҳар чоракда ҳудудда амалга оширилган ишлар натижалари ҳамда бартараф этилмаган тизимли муаммолар бўйича тегишли туман (шаҳар) Халқ қабулхонасига маълумотлар кириштирилади.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмасига биноан, Президент Халқ қабулхоналари ҳам фаолиятини маҳаллалар кесимида ташкил этиб, яқин ҳамкорликда олиб борилиб, муаммоларни аниқлаш ҳамда жойида бартараф этиш учун муайян ресурслар манзилли йўналтирилмоқда. Бу эса жойларда аҳоли муаммолари ва мурожаатлари билан ишлашда натижадорликни оширмоқда.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги маҳаллалар билан ҳамкорлик ўрнатиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатли давлат идораси ҳисобланади. 2022 йилнинг ўтган даврида аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида **35 та** янги маҳалла ташкил этилди. **695 та** янги маҳалла комплекси қурилди, **16 та** маҳалла биноси реконструкция қилинди, **55 таси** жорий таъмирланди, **205 та** сида янги бино қуриш ишлари давом этмоқда. **574 таси** компьютер техникаси ва **588 таси** мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Айни кунларда Олий Мажлис Сенати қарорига мувофиқ, тегишли қонунчилик талаблари асосида мамлакатимизда мавжуд **9 минг 349 та** маҳаллага раис лавозимига сайлов бўлиб ўтмоқда.

Сайлов жараёнида маҳалла раислари лавозимига **39 минг 661** номзод кўрсатилиб, бошқарув кўникмаси ва обрўга эга бўлган **26 минг 910** номзод тавсия қилинди. 31 май ҳолатига кўра, бўлиб ўтган сайловларда **9 минг 340 нафар** маҳалла



раиси сайланди. Сайланган раисларнинг **8 минг 824 нафари** олий маълумотга эга. Вазирлик нурунийларни қўллаб-қувватлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 15 мартдаги “Нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада янада муҳим ўзгаришларни бошлаб берди.

Кексаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, гам-жўрлик қилиш, эътиборни қучайтириш бўйича маҳалла даражасида тизим яратилмоқда.

Маҳаллаларда “**Бир нуруний ўн ёшга масъул**” тамойилини қарор топтиришда ташаббускорлик кўрсатиб келаётган, ишсиз, тарбияси оғир ёшлар билан ишлашда фаол нурунийлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган, ёлғиз ва ёлғиз яшовчи **16 мингдан** зиёд кекса ҳар йили бир мартаба санаторийларда бепул соғломлаштириладиган, шароити оғир ва кам таъминланган **25 минг** кексанинг дори-дармонлари, протез-ортопедия мосламалари давлат томонидан олиб бериладиган, жарроҳлик амалиётларига харажатлари ҳам бюджетдан қопланадиган бўлди.

Шунингдек, нурунийларга стадион, теннис кортлари, спорт заллари, бассейн каби спорт иншоотларига ойлик абонементнинг **540 минг** сўмга қисми, театр ва музейларга чипта олиш харажатлари ҳам тўлиқ қоплаб берилади.

Амалията бўлиб келган ижтимоий қоида — катта ҳаётий ва касбий тажрибага эга юрtdошларимиз пенсия ёшига етганида улар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиниши таъқиқланди.

Оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат, эзгу қадрият ва аъёнлар ҳимоясига бўлган кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ислохотлар бугун ўз натижасини бермоқда.

Барча маҳаллаларда ташкил этилган “**Кексалар маслаҳати**” гуруҳлари ва “**Бувижонлар**

мактаби” кенгашларининг мавжуд **280 мингга** яқин ижтимоий фаол аъзоси орқали маҳаллаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар, мактабларда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши, давомати, бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан фуқароларни иш билан таъминлаш даражаси ва бошқа давлат хизматлари кўрсатилиши бўйича **15 мингдан** ортиқ жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Жорий йил 1-чораги якунларига кўра, маҳаллаларда “**Бир нуруний ўн ёшга масъул**” тамойили асосида **15 минг 678** нуруний тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож ва ишсиз **132 минг 735 нафар** ёшга бириктирилди. Нурунийлар тақлифлари асосида фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи **2 минг 650 нафар** ота-онадан **1 минг 852 нафари**, шунингдек, **3 минг 421 нафар** вояга етмаганлар профилактика хисобдан чиқарилди. **2 минг 714 та** нотинч оила яраштирилди. Спиртли ичимликка ружу қўйган **869** шахсининг бундай иллатдан халос бўлишига эришилди.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида масъул вазирлик ва идоралар ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

100 ёшга қирган **198** нуруний, **146 нафар** уруш қатнашчиси, **4 минг 42 нафар** меҳнат фронти иштирокчиси, **3 минг 6 нафар** ёлғиз кекса ҳолидан хабар олинди.

Ўзгалар парваришига муҳтож **604** кексанинг санаторийларда соғлиги тикланди. **16 минг 424** нуруний бепул чуқур тиббий кўриқдан ўтказилди.

1210 фуқарога ногиронлар аравачаси, **741 нафарига** эшитиш мосламаси, **718 нафарига** ҳасса (қўлтиктаёқ), **240 нафарига** кўзойнак, **2658 нафарига** бошқа реабилитация воситалари берилди.

Парваришга муҳтож **35 мингга** яқин баланинг оналарига **500 минг** сўм нафақа тўлаш жорий этилди, **900 мингга** яқин аҳолига тўланадиган пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдори бир йўла **40** фоиз ёки **300 минг** сўмдан **440** минг сўмга оширилди. Нафақа олувчи оилалар сони **2016 йилги 466 мингдан** 2022 йилда **1 миллион 860 мингга** етказилди.

Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб уруш қатнашчилари ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларга ҳар ойда озиқ-овқат ва гигиена воситалари хариди учун уларнинг пенсия ва нафақаларига **270 минг** сўм миқдоридан устама тайинланади. Аввал ишламаган, “Саховат” уйларида яшовчи, ёши улғу мингга яқин кишига ҳам шахсий харажатлари учун қариллик нафақасининг **20** фоизи тўлаб бериладиган бўлди.

“Маҳалла раиси уларнинг ўзаро ҳамжихат ишлашини мувофиқлаштирувчи, ўз ҳудудининг ҳақиқий эгасига, юз берган ҳар бир ҳолат учун бирламчи жавобгар ва масъул мутасаддига айланмоқда.

Юртимизда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича “**хонадонбай**” ва “**маҳаллабай**” иш тамойилларининг амалиётга жорий этилиши одамларнинг ижтимоий турмуш ке-чириш ҳолатини яхшилаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда низоҳатда қўл келмоқда.

Эътироф этиш жоизки, ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Айниқса, “**Темир дафтар**”, “**Аёллар дафтари**” ва “**Ёшлар дафтари**” бу борадаги муҳим ижтимоий ислохотлардир. Биргина жорий йилда ушбу дафтарлар ва “Саховат ва кумак” жамғармаси орқали **200 мингдан** зиёд эҳтиёжманд аҳолига кўмак берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 майдаги “**Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги қарори бу йўналишдаги ишларнинг салмоғини янада оширди.

Қарорга мувофиқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган **8,9 миллион** аҳолига бир марталик моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Маҳаллалардаги ёшга доир **3,1 миллион** пенсионер, ногиронлиги бўлган **459 минг** шахс, боқувчисини йўқотган **361 мингга** оила (оиланинг ҳар бир аъзоси), болаликдан ногиронлиги бор **311 минг** шахс ҳамда ногиронлиги бўлган **18** ёшгача болаларни парваришга ётган **25 минг** аёл бу ёрдамдан баҳраманд бўлади.

Шунингдек, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган сифатида эътироф этилган болалар нафақасини олвчи, **18** ёшга тўлмаган **4,5 миллион** болага ҳамда моддий ёрдам олвчи **84 мингга** оиллага **200 минг сўмдан** ёрдам пули тўлаб берилади.

Ҳозирги кунда маҳаллаларда масъуллар ҳар бир хонадонга бевосита кириб, оилاداги ҳақиқий ижтимоий ҳолат ва эҳтиёжмандлик даражаси ўрганилаётгани, ҳар бир оила учун ижтимоий ҳимоя режасини шакллантириш бўйича ишлар бошлаб юборилгани давлатимиз раҳбарининг “**Одамларнинг дардига дармон бўлишга қаратилган ислохотларимиз бў рақамлар билан тўхтаб қолмаслиги керак**”лиги ҳақидаги ташаббус ва даъватлари доимий амалий ҳаракатга айланаётганидан далолатдир.

Бевосита маҳаллада амалга оширилаётган ушбу ижтимоий ҳимоя тадбирлари моҳияти ва мақсади ҳам фаровон турмушни таъминлаш, шу орқали инсон қадрини улуғлашдан иборатдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инсон қадрини улуғлаш юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир. Бу борада жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўлини бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутди.

Зеро, маҳаллани ислохотлар марказига айлантиришга оид қонун ҳужжатларининг ҳаётдаги ижроси бевосита маҳалланинг ўзида амалга ошсагина, у халқимиз ҳаётида аниқ ижобий натижа беради. Жамиятнинг қуйи бўлини бўлган маҳалла ушбу жараёнларнинг нафақат марказида турибди, балки қонунчилик ижросини таъминлашда ҳам катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқмоқда.

МАВСУМ

Акбар ҲАҚМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Қашқадарёда айни пайтда энг муҳим мавсум — галла ўрим-йиғими бошланди. Дастлаб Муборак тумани деҳқонлари биринчилардан бўлиб, ҳосилни йиғиштириш ишларини бош-



УЙЛАР ТЎЛИБ, ТЎКИЛСИН ДОН

лаб юборишди. Комбайн карвонлари Миришкор ва Нишон тумани майдонларида ҳам ишга киришган. Эл ризқи бўлган донни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида ўриб олиш учун катта иш олиб боришмоқда.

— Вилоятимизда жорий йилнинг лаб юборишди. Комбайн карвонлари Миришкор ва Нишон тумани майдонларида ҳам ишга киришган. Эл ризқи бўлган донни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида ўриб олиш учун катта иш олиб боришмоқда.

Далаларимизда асосан “Яксарт”, “Фозгон”, “Бунёдкор” каби ҳосилдор навлар экилиб, яхши натижалар кутилмоқда.

Жорий йилда деҳқонларнинг ҳисобларига кўра, гектарига 75-80 центнердан, яъни ўтган йилгидан 10-15 центнер ортиги билан дон етиштириш режалаштирилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу йилги ҳосилдан 1 миллион тоннадан ортиқ ялпи ҳосил етиштирилиб, шундан 360 минг тоннаси давлат хариди учун, 35 минг тоннаси уруғликка, 140 минг тон-

надан ортиги галлачилик кластерлари-га сотилади.

Етиштириладиган 328 минг 258 тонна доннинг 78,1 фоизи, яъни 256 минг 384 тоннаси дон корхоналари томонидан тўғридан-тўғри сотиб олинади. Қолган 21,9 фоизи ёки 71 минг 874 тоннаси фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилиб, биржа орқали савдога чиқарилади.

Дарҳақиқат, ўтган йил экилган дон бугун бошқ бўлиб, етилди. Тез орада оморлар донга тўлади. Эл дастурхонига янада барака кириб, тўқинлик таъминланади. Мутахассислар маълумотларига кўра, вилоят аҳолисининг ун маҳсулотларига бўлган йиллик талаби 268 минг тоннани ташкил қилади. Ҳозирга қадар воҳода йилга 307 минг тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга 8 та корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, жорий йилда 78,7 миллиард сўмлик йиллик қуввати 133 минг



тонна бўлган 6 та ун ишлаб чиқариш қувватини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Мавжуд корхоналардан тўлиқ фойдаланиш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида вилоят аҳолисининг унга бўлган талаби тўлиқ қопланади.

Айни пайтда воҳа галла майдонла-

рида ўрим-йиғим ишлари авжида. Ҳар йилги ўрим муддатини бу йил ун кунга қисқартиришга бел боғлаган миришкорлар комбайнлар сонини ошириб, 25-30 кунда мавсумни якунлашни мақсад қилишган. Демак, қисқа вақт ичида меҳнатлар самараси кўзга ташланиб, галла оморларида хирмонлар буй кўрсатади.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон — Тожикистон: УМУМИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА СИЁСИЙ ВА ДИПЛОМАТИК ҚАДАМЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЗАРУР

Обид ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси
хузуридаги Иқтисодий
тадқиқотлар ва
ислохотлар маркази
директори



Бошланиши 1-бетда

Шу маънода, яқин кўшнлар билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш Ўзбекистон таъқиби сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини қайд этиш жоиз.

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, ўзбеклар ва тожиқларни алоҳида қардошлиқ ришталари боғлаб туради ва бу халқларни бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий, Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний, Гафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода, Абдулла Орипов ва Лойиқ Шерали каби буюк мутафаккирлар ўзбек-тожиқ халқларининг самимий, соф дўстлигини тараннум этган.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари бир-бирининг маданий-гуманитар меросига ҳурмат билан қарайди.

Самарқандда Абдураҳмон Жомий ва Душанбада Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилгани Тожикистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам катта қувонч билан кутиб олинди.

Ўзбекистонда бутун мамлакат бўйлаб 15 та тожиқ миллий маданий марказини бирлаштирган Республика тожиқ миллий маданий маркази муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатда таълим тожиқ тилида олиб бориладиган 250 та мактаб бор (шундан 55 тасида таълим тўлиқ тожиқ тилида олиб борилади). Самарқанд, Термиз ва Фарғона университетларида дарслар тожиқ тилида ўтиладиган гуруҳлар мавжуд. Тожиқ тилида тўртта даврий нашр чоп этилади, 5 та теле ва 30 та радиодастур эфирга узатилади.

Бу йил Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонламоқда. Ўзбек-тожиқ ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини турли даражада имзоланган 256 ҳужжат ташкил этади. Шундан 153 таси сўнгги беш йилда қабул қилинди.

Беш йил аввал Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар ўз тараққийотининг янги босқичига қадам

Раҳмоннинг сиёсий иродаси ва бир-галликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли муносабатларни янада ривожлантириш стратегиясини белгилаш ва амалга ошириш бўйича муҳим қадамлар ташланмоқда.

Икки томонлама ўзаро ҳамжиҳатлик яхшилланиши мамлакатларимиз чегарадош ҳудудлари ва вилоятлари фуқаролари ҳаракатланиши учун кенг имкониятлар очди. Муносабатларни, айниқса, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифаларини амалга оширишда муҳим ташқи сиёсат манбаи бўлган парламент дипломатияси алоҳида ўрин тутди.

2018 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон фуқароларининг ўзаро сафарлари тўғрисидаги битим имзоланиши муносабати билан мамлакатларимиз ўртасидаги виза режими бекор қилинди ва 17 та назорат-ўтказиш пункти очилди. Бу ишлар минтақавий жиҳатдан икки томонлама алоқаларни ривожланти-



ЎЗБЕК-ТОЖИК ҚЎШМА КОРХОНАЛАРИ Сони Кўпайди. Улар савдо, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати ва бошқа кўплаб соҳаларни қамраб олади. Ўзбекистонда тожиқ сармоясини иштирокидаги 219 та корхона (119 та қўшма корхона ва 100 та хорижий корхона) фаолият юритмоқда. Тожикистон ҳудудида ўзбекистон резидентлари иштирокида 51 та компания муваффақиятли ишлаб келади.

қийди. Бу эса, алоқаларни мустаҳкамлаш, ишончли муносабат ўрнатиш учун барча шароитларни яратди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг 2018 йилдаги ўзаро давлат ташрифлари икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очди. Бу давлат ташрифлари халқларимиз манфаатлари йўлида янги мақсад ва истиқболларни белгилаб берди, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг қўллади икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим омили бўлди.

Ўзбекистон Президентининг дадил қадамлари, прагматик ва узоқни кўзлаган сиёсати ҳар икки томон сиёсатини қайта қўриб чиқиш имконини берди. Бир-бирига интилиш кучайди, тўсиқлар олиб ташланди, алоқалар фаоллашди, ўзаро мақбул самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Йиллар давомида тўп-ланган энг оғирлик мавзулар ўз ечимини топди. Чегара муаммолари бартараф этилди.

Утган қисқа давр ўзбек-тожиқ муносабатларининг мустаҳкамланишига жуда кучли туртки берди. Катта ўзгаришлар бўлди. Икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Бугун икки мамлакат Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Эмомали

ришда муҳим роль ўйнади. Ҳар икки томоннинг миллионлаб фуқаролари ҳаётини осонлаштирди. Ўзбекистонда ҳам, Тожикистонда ҳам “Зиёрат туризми” лойиҳаларини амалга оширишда, шу жумладан, “Ипак йўли” сайёҳлик брендини тарғиб қилиш бўйича қўшма ишлар доирасида ҳамкорликни фаоллаштиришга имкон берди.

Трансчегаравий дарёларнинг сув-энергетика ресурсларидан комплекс фойдаланишга оид келишувлар ҳам Ўзбекистон Президентининг янгиланган ташқи сиёсати ижобий натижасидир. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг минтақа давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш зарурлиги тўғрисида умумий фикрга эга экани бу борадаги асосий ютуқ бўлди.

Тожикистон Ўзбекистоннинг янги минтақавий сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Хорижий экспертлар фикрича, бу борадаги Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларининг конструктив характерга эга бўлиши Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлаш бўйича минтақавий саъй-ҳаракатларга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Табиатини ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш масалаларида ҳамкорлик долзарб бўлиб қолмоқда. Маълумки, глобал иссиқ Марказий Осиё

минтақаси экологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, Ўзбекистон ва Тожикистон, умуман, минтақанинг барча давлатлари экологик ҳалокатнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириши муҳим аҳамиятга эга. Минтақа мамлакатларининг умумий манфаатларини Ҳимоя қилиш бўйича қўшма сиёсий ва дипломатик қадамларни давом эттириш зарур.

Сўнгги беш йилда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар барқарор ривожланиб, тез суръатда ўсмоқда.

Тожикистон Ўзбекистоннинг 10 та асосий савдо-иқтисодий ҳамкори сирасига киради. Хусусан, 2021 йилда қиймати 202,5 миллион долларлик товарларни етказиб бериш бўйича 92 та келишув ва шартнома тузилди. Натижада утган йили ўзаро савдо ҳажми 2016 йилдагига солиштирганда 3 баробар ўсди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида эркин савдо режими ўрнатилган, бу эса, ўзаро савдо ҳажминини 1 миллиард долларга етказишга имкон беради.

Томонлар 2021 йилда белгиланган қиймати 195,4 миллион доллар бўлган ўзбек-тожиқ инвестиция лойиҳаларини фаол амалга оширмоқда.

Бундан ташқари, ўзбек-тожиқ қўшма корхоналари сони кўпайди. Улар савдо, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати ва бошқа кўплаб соҳаларни қамраб олади. Ўзбекистонда тожиқ сармоясини иштирокидаги 219 та корхона (119 та қўшма корхона ва 100 та хорижий корхона) фаолият юритмоқда. Тожикистон ҳудудида ўзбекистон резидентлари иштирокида 51 та компания муваффақиятли ишлаб келади.

Саноат кооперациясини мустаҳкамлашда низом капитали 50 миллион доллар бўлган Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция компанияси фаолиятига муҳим ўрин ажратилмоқда. Бунинг доирасида мамлакатларимиз раҳбарларининг ташаббуси билан Тожикистонда машиини техника ишлаб чиқариш бўйича “Артель Авесто Электроник”, махсус коммунал ва қурилиш транспортини йиғиш ҳамда сошлашга ихтисослашган “Талько-Крантас” қўшма корхоналари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази экспертлари таъкидлашча, катта ҳажмдаги хомашё (масалан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари) бўлган бир шароитда қўшма корхоналар ташкил этиш замонавий технологиялар ва тор ихтисослашувни жалб қилиш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардорлигини оширишга, ўз навбатида, кооперация алоқалари кенгайтиришга имкон беради.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги транспорт ва транзит имкониятларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистоннинг қўлай географик жойлашуви ва ривожланган транспорт инфраструктураси Тожикистонга ташқи бозорларга чиқишни диверсификация қилишга имкон беради.

Тожикистон Ўзбекистоннинг ривожланган коммуникация тармоғи (темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти)дан фойдаланган ҳолда, ўз товарларини Россия ва ЕИГА экспорт қилиш ҳамда Хитойдан Ўзбекистонга юк ташиш орқали ўз иқтисодий ривожлантириш учун қўшимча имкониятларга эга бўлди. Умумий транспорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, Тожикистон орқали Хитойга олиб борадиган автомобиль йўналишларини фаоллаштириш, нафақат ўзаро товар

айирбошлаш ҳажмини ошириш, балки минтақалараро гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Шу нўқтаи назардан, “Ўзбекистон — Тожикистон — Хитой” йўналигини ривожлантириш лойиҳаси яхши истиқболга эга.

“Тошкент — Хўжанд” ва “Қўқон — Шайдон” йўналишида автобус қатнови, “Самарқанд — Панжакент” автойўли участкаси, “Тошкент — Душанбе” авиарейси, “Ғалаба — Амузанг — Хўшади” темир йўл алоқаси қайта тикланди. Бундан ташқари, Самарқанд ва Панжакентни темир йўл линияси орқали боғлаш режалаштирилмоқда. “Душанбе — Самарқанд” ва “Душанбе — Бухоро” йўналишида авиакатновлар қайта тикланмоқда.

2021 йилда халқаро темир йўл юк ташувлари ҳажми 6,7 миллион тонна, халқаро автомобиль юк ташувлари ҳажми 1,3 миллион тоннани ташкил этди.



Бугунги кундаги янги вазият Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш учун барча қўлай имкониятларни яратди.

Мамлакатларимиз халқлари ўз Президентлари бошчилигида кўп томонлама шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, янги марраларни забт этишга интилаётганини намойён этмоқда.

Шу боис, кўплаб хорижий экспертлар ўзбек-тожиқ муносабатларининг янада ижобий ривожланиши Марказий Осиёнинг бундан-да барқарор тараққиётига катта ҳисса қўлишини прогноз қилмоқда. Уларнинг фикрича, фаол иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилса, чегаранинг ҳар икки томонидаги миллионлаб фуқароларнинг ҳаёти янада яхши бўлади.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази мутахассислари баҳолашига кўра, иқтисодиётларнинг бир-бирини ўзаро тўлдириш жараёни (Ўзбекистондан Тожикистонга газ ва ёқилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш, Тожикистондан Ўзбекистонга электр энергияси етказиб бериш ва ҳўказо) савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жадал ривожланишига таъсир қилишда давом этади ва ҳар икки давлатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда қўшимча восита бўлиб қолади.

Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини сезиларли даражада кенгайтирадиган ҳамда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўладиган ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази мутахассислари томонидан ўтказилган таҳлиллар сармоя, енгил саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, минтақалараро алоқалар, мамлакатлар иқтисодиётларини рақамлаштириш, илмий-академик доиралар ва маданий алмашинувлар соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун барча имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Булардан ташқари, ипакчилик, пилпани қайта ишлаш, ипак матолар ишлаб чиқариш, шунингдек, дизайнерлар ўртасида тажриба алмашиш икки томонлама муносабатларнинг истиқболли йўналишларидан бирига айланиши мумкин.

Тожикистонлик экспертлар маълумотига кўра, Тожикистон Республикасининг Айний вилоятида ўрганиб чиқилган ўнлаб фойдали қазилма конлари жойлашган бўлиб, уларни ўзлаштириш учун тожиқ томони ўзбек бизнесини жалб қилишдан манфаатдор.

Ўзбек-тожиқ муносабатларида рўй берган туб ўзгаришлар нўқтаи назардан, Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг бўлажак учрашуви, албатта, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги истиқболлар очади, кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқади, бу эса, шубҳасиз, икки мамлакат халқлари фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик, стратегик шерикликка асосланган ҳамкорлик

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар яхши қўшничилик аъёналари, стратегик шериклик муносабатлари доирасида тўбдан ривожланмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари ўртасидаги самимий муносабат, очиқ ва конструктив мулоқот руҳи нафақат миллий, балки минтақавий ва глобал масалаларни ҳал этиш, Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

2018 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон фуқароларининг ўзаро ташрифлари тўғрисида битим имзоланди, ўша йили мамлакатлар ўртасида виза режими бекор қилинди. Бу халқларимиз ўртасидаги борди-келди алоқалари қайта тикланиши ва фаоллаштишига замин яратди. Шу билан бирга, иқтисодий-ижтимоий, гуманитар алоқа-

ва мухтор элчиси Абдужаббор Раҳмонзода. — Сўнгги йиллардаги ана шундай ўзаро дўстона алоқалар натижасида муносабатларимизда ечим топилмаган масала қолмади. Кўп йиллар давомида муаммо бўлиб келган масалаларнинг аксарияти ҳал қилинди. Жорий йил 2-3 июнь кунлари Президент Шавкат Мирзиёев тақлифига биноан Президент Эмомали Раҳмоннинг юртингизга ташриф буюриши ушбу дўстона алоқалар ривожига янада туртки бўлиши шубҳасиз. Ушбу расмий ташриф доирасида қабул қилинадиган ҳужжатлар мамлакатларимиз ва минтақамизнинг келгуси тараққийотини таъминлашда муҳим истиқболларни очади.

Охириги йилларда халқларимиз ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги алоқалар ҳам ривожланмоқда. Икки мамлакат ижодий жамоалари Ўзбекистон ва Тожикистонда ўтказилган халқаро фестивалларда иштирок



лар ҳам кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда тожикистонлик тадбиркорлар капитали иштирокида, Тожикистонда мамлакатимиз резидентлари иштирокида кўплаб корхоналар савдо, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати, транспорт ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш йўналишларида фаолият юритмоқда.

— Ўзаро ҳамкорлик ривожланиши натижасида мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми ҳам ўсиб бораётир, — дейди “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков. — 2016 йилда бу кўрсаткич 200 миллион долларни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 600 миллион доллардан ошди. Айни пайтда товар айирбошлаш ҳажмини яқин йилларда бир миллиард долларга етказиш учун имкониятлар етарли. Шунингдек, икки давлат ўртасида транспорт коммуникацияси тизими ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Ушбу халқаро анжуманда бу борадаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди ва тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Халқаро тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистон ва Тожикистон БМТ, МДҲ, ШҲТ, ИҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорликни изчил давом эттирмоқда. Хавфсизликнинг замонавий таҳдидларига қарши курашиш, барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ва кун тартибидagi долзарб халқаро масалалар бўйича мамлакатларимиз позицияси ўхшашдир.

— Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юқори даражадаги ишонч, ўзаро ҳурматга асосланган ҳамкорлик ривожининг муҳим омилли бўлмоқда, — дейди Тожикистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда

этяпти, маданият кунлари ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб келин-япти. Тожикистоннинг “Шашмақом” академияси 2018 йилда Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган “Мақом” халқаро санъат форуми бош совринини қўлга киритди.

Икки мамлакат илм-фан муассасалари ўртасидаги алоқалар ҳам фаоллашди. Жумладан, утган йили Марказий Осиё халқаро институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази вакилларидан иборат делегация Тожикистонга ташриф буюрди. Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг янги “ўсиш нуқталари” мавзусида халқаро анжуман, турли учрашувлар ўтказилди. Мазкур тадбирлар доирасида илм-фан муассасалари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга оид шартномалар имзоланди.

Халқаро анжуманда барқарор ва хавфсиз минтақавий ривожланиши таъминлашда икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди. Савдо-иқтисодий соҳада янги “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, транспорт коммуникацияси, инфратузилмаларни ривожлантириш, илм-фан, маданий-гуманитар, хавфсизликни таъминлаш ва бошқа масалаларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, миллий кадриятларни ўрганиш ва асраш, таълим ва туризм соҳасидаги лойиҳалар юзасидан тажриба алмашишди, ўзаро ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикрлашилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

ЯНГИ НАВЛАР —

ЮҚОРИ МАҲСУЛДОРЛИК ГАРОВИ



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш
вазирининг вазири, академик

Бошланиш 1-бетда

Янги навлар билан боғлиқ ишлар, уларни турли шароитда синаш ҳамда ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Шу боис, олимлар олдида ўсимликларнинг қимматли хўжалик белгиларига жавобгар генларини хариталашда долзарб бўлган популяцияларни яратишдек муҳим масала турибди. Генетик хариталаш натижасида олинган хулосалар ўсимликларнинг янги навларини яратиш жараёнини жаддалаштиради. Аслида янги нави аънавий усулда яратиш учун кўп вақт зарур. Маркерларга асосланган селекция кўмағида эса бу муддатни қисқартириш имконияти мавжуд. Ўсимлик генларини ўрганиб, муҳандислиги билан шуғулланиш қишлоқ хўжалигида катта талафотларга олиб келаётган муаммоларга самарали ечим бўла олади.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш белгилаб қўйилган.

Бу борада кўзланган марраларга етиш учун эса тегишли вазирликлар ва илмий-тадқиқот муассасалари олдида махсуслот таннархиди 30-35 фоиз қисқартириш, пахтадан ўртача 37 центнер ва гапладан 70 центнер ҳосил олишга эришиш вазифаси қўйилган. Шунингдек, биологик эскирган навлар ўрнига серхосил, эртапшир, тола ва дон сифати юқори бўлган 8 та гўза ва 12 та галла нави майдонини кенгайтиришдек муҳим тадбирларни амалга ошириш зарур.



ётган иқтисодий ва экологик муаммолар ўз ўрнида инновацион технологияларни жорий этиш орқали маҳаллий қишлоқ хўжалиги махсуслотлари ҳажмини ошириш заруратини юзага келтиради.

Тўқимачилик соҳасида табиий ўсимлик тоалари кенг қўлланиши пахта толасига талаб ошириш ҳам олиб келмоқда. Маълумотларга кўра, "оқ оптин" етиштиришдан олинган глобал бизнес даромади йилга 500 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Демак, мазкур экин иқтисодий жиҳатдан энг муҳим қўшимча қийматга эга. Мана шу баҳонинг ўзича селекциячилар олдида турли иқлим шароитлари, касаллик ва зараркундаларга чидамли, юқори ҳосилдор ва аъло толали гўза навларини яратишдек

муҳим вазифани қўяди. Дунё бўйича пахта етиштириладиган майдонларнинг 95 фоиздан ортиғида ўрта толали гўза тури экилади. Олий толали турни яратиш ва ҳосил олишининг аҳамияти нечоғлиқ эканини мана шу рақамлар орқали ҳам аниқлаш мумкин.

Замон шиддат билан кечмоқда. Енгил сонаватдаги технология ўзгаришлар тола сифатига янгидан-янги талабларни қўяди. Мана шу мезонларга жавоб бериш учун ҳам янги навлар зарур. Пахта толасининг узунлиги, пишқилиги, бир хил тузилишида экани ва бошқа бир қатор хусусиятлари мато сифатига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардандир. Тола сифатини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш, гўзанинг тупроқ шўрланиши ва курғоқчиликка чидамли навларини яратишда олимларимиз маркерлар ёрдамида селекция ишларини олиб боришни йўлга қўйди.

Генетик маркерлар геномда муайян тартибда жойлашган ДНКнинг қисқа бўлақлари бўлиб, ўсимликнинг хусусиятларини ўзида сақлайди. Молекуляр мар-

керларга асосланган селекция технологиясининг яна бир афзаллиги шундаки, янги навларнинг хусусиятлари, барқарорлиги ҳамда чидамлилигини белгилловчи генетик хилма-хиллиги янада кенгайди.

Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида етиштириладиган гўза навларининг тола хусусиятларини яхшилаш мақсадида Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан молекуляр маркерлар ёрдамида қисқа муддатларда толасининг сифати юқори ва катта агрономик имкониятларга эга гўзанинг иккита янги нави яратилди. Олинган натижалар ўсимликлар селекцияси дастурини жаддалаштириш, тоғли ҳудудларда етиштирилган дағал толали пахта навларини хусусиятларини ижобий томонга ўзгариштириш, миллий тўқимачилик соҳасининг эҳтиёжларига жавоб берадиган хомашё етиштиришга хизмат қилади.

Селекция дастурларининг асосий мақсади донор генотипи генларини оналик элита навига кўчиришдир. Аънавий селекция усуллари ўсимликнинг битта гени ёки хусусиятини ўтказишда самарали ҳисобланади, бироқ мураккаб хусусиятларни ўзида жамлайдиган кўпбал генларни махсус кўчириш керак бўлганда самарасини йўқотди. Янги нави яратишда эса олимларимиз маркерлар орқали бир қанча керакли хусусиятларни кўчиришга муваффақ бўлди.

Тола сифати ошишига қаратилган селекция ишлари ҳар доим ҳам мураккаб вазифа бўлиб келган. Негаки, гўзанинг бир хусусияти ошиши унинг бошқа хусусияти йўқолишига олиб келади. Яъни ўсимликнинг керакли хусусиятларини сақлаб қолиш учун кўпбал генларни бирга мувофиқлаштириш талаб этилади. Бундан ташқари, селекциянинг аънавий усули қиммат, кўп меҳнат ва ресурслардан фойдаланишни тақозо этишини унутмаслигимиз лозим.

Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан замонавий маркерларга асосланган селекция технологияси асосида дунёда ягона бўлган "Равнақ-1" ва "Равнақ-2" навлари яратилди. Ушбу



илмий-тадқиқот иши натижалари дунё олимлари томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Боиси, дунё гўза селекцияси дастурининг муҳим муаммоларидан бирига олимларимиз томонидан ечим топилди. Бу навларнинг толаси узун ва пишқил. Тола чиқими 38 фоиз ва ҳосилдорлиги 45-50 центнердан юқори. Бундан ташқари, мазкур навлар машина терими учун ҳам қўлайлиги билан ажралиб туради.

Жорий йилда "Равнақ-1" нави Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида 500 гектардан ошиқ ерга экилган бўлиб, йил охирига 500 тоннадан ортиқ уруғлик чигит тайёрланиши режалаштирилмоқда. Келгуси йилда эса Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида "Равнақ-1" нави 10 минг гектарга экиш учун тайёрланган ишлари олиб боришмоқда. "Равнақ-2" нави эса жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида 475 гектарга экилган бўлиб, йил охирида 500 тонна уруғлик чигит тайёрланади. Келгуси йилда бундай экин майдонлари янада кенгайди.

Шунингдек, Мўйноқ иқлим шароитига чидамли намуналарни танлаш ва уларни қўлайлиги билан ҳам ушбу уруғ навлари самараландир. 1 гектар шўрланган ҳудудда экиб, синовдан ўтказиш учун 50 килограмм уруғ материални тайёрлади. Барча синовлардан ўтгандан сўнг 2023 йилдан

мазкур ҳудуддаги экин майдонлари иккала нави учун жами 25 гектарга етказилади.

"Равнақ-1" ва "Равнақ-2" Ўзбекистонда илк бор молекуляр маркерлар ёрдамида яратилган янги авлод навларидир. Бу навлардан кенг фойдаланиш ҳосилдорликни ошириб, енгил сонават хосилдорлигини олиб келади. Сифатли хомашёдангина сифатли тайёр махсуслот ишлаб чиқариш мумкин. Мазкур гўза навлари тола сифати III типга мансублиги сабабли тўқимачилик соҳасида юқори самарали махсуслот олиш имконини бермоқда. Бу эса пахта-тўқимачилик кластерларига қўшимча даромад келтириши билан бирга, иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Янги навлар яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бугун соҳа мутахассислари олдида ер ва сувдан унумли фойдаланиш баробарида вақтни ҳам тежашдек муҳим масала турибди. Биологик эскирган навлардан фойдаланасан, иқлим билан боғлиқ ўзгаришлар ва зараркундалардан қўчимиз. Шунингдек, аънавий усулда ҳосилни баҳолаш учун мавсум охирида хулоса бера олсан, янги услуб билан уруғлик махсуслотларини аниқлашга икки кун етарли бўлади. Бир жиҳатини унутмаслигимиз керак: ҳосил биз кутгандек бўлса ҳам, акс натижани кўрсатса ҳам аҳолининг озиқ-овқатга, сонаатнинг эса хомашёга талаби ошиб бораверади. Демак, турли табиий офатлар, касаллик ва зараркундаларга бардошни экин турларини қўлайлиги билан таъминлаш зарур.

Гўза навларини яратишда маркерларга асосланган технология услублари ҳозиргача татбиқ этилмаган эди. Бунинг сабаби, гўзада генетик хилма-хиллик жуда тор ва геннинг бир хусусиятини яхшилаш жараёнида унинг бошқа хусусиятларини йўқотиб қўйиш билан боғлиқ муаммолар юзага келар эди. Мана шундай қийин жараён юртимизда амалга оширилаётгани, албатта, соҳа олимлари қалбини ғурурга тўлдирди. Энди илланувчиларимиз мазкур технология орқали истаган генотипни, истаган ўрта толали нави мана шундай хусусиятга эга олий навага айлантира олади.

АГРАР СОҶА

— Эшитдингизми, қўшни маҳалладагилар кизил чувалчанг боқиб, яхши даромад топаётган эмиш.

— Йўғ-е, чувалчангни ҳам боқиб бўларканми? Чувалчанг кимга керак?

— Мен ҳам шунга айтаман-да. Лекин олимларнинг айтишича, чувалчанг шўр, пластиклар аралаш тупроқларда яшашни афзал кўраркан. Тупроғимиз шўр бўлгани учун уларни бизда ҳам етиштириб, яхши даромад олиш мумкин экан.

Икки қўшнинг гапида жон бор. Аслида чувалчанг фойдали жонот экани қадимдан маълум. Лекин кейинги йилларда хитойлик олимлар ўтказган тажрибаларда чувалчанг углеводдор ва биопарчаланувчи хомашёлардан тайёрланган турли пластикларни ҳам енгил ҳазм қила олиши аниқланди.

Ҳозир Ер юзиде бундай чувалчангларнинг 97 тури бор. Лекин бир неча туригина боқиб учун яроқли. Чувалчанг кўп уруғ қўяди, аммо 20 та уруғдан 4-5 таси тирик қолади. Калифорния кизил чувалчанг оддий чувалчангга нисбатан жуда фаол ва серпушт. Агар унинг озқаси етарли бўлса, ҳеч қачон уйини тарк этмайди. Узунлиги 99 миллиметрча, тана диаметри 3-5 миллиметр бўлиб, қўлай шароитда ҳар 7 кунда уруғлайди. Уруғлагандан кейин 20 тагача тухумли капсула қўяди ва 14-20 кундан сўнг кейинги авлод дунёга келади. Янги тутилган чувалчанглар 90 кундан сўнг балогатга етади. Қўлай шароитда бир дона калифорния чувалчанг 1,5 минг чувалчангни дунёга келтириши мумкин. Бу тур чувалчанг ҳар кун органик моддалардан ўз ваъзига тенг озукта тановул қилади. Бир тонна органик чиқиндидан 600 килограмм биогумус ва 100 килограмм оксилга бой биомасса ишлаб чиқаради.

— Тажрибалар кўрсатмоқдаки, чувалчанг ёрдамида органик моддаларни қисқа муддатда биогумусга айлантириш мумкин. Биогумуснинг қимматли хусусияти ҳақида гапирадиган бўлсан, у дондор тузилмага эга, сув ювиб кетишига чидамли. Унинг таркибиде ўсимликларни озиклантирувчи моддалар микдори гўнадагига нисбатан бир неча марта кўп. Дейлик, чорвачилик фермасида 500 бош

БИОГУМУС:

ХАРАЖАТИ КАМ, ДАРОМАДИ МЎЛ

қорамол сақланса, ундан чиқадиган гўндан 200 гектар ерни озиклантириш мумкин. Шунча микдорда органик биогумус ишлаб чиқаришга сарфланса, 1000 гектар ерни озиклантиради, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази бўлим мудири Исмоил Асанов. — Биогумусни ер ҳайдаш олдидан ҳар гектар майдонга 4 тоннадан қўллаш яхши самара беради. Тупроқ дондор бўлади, агрофизикавий ва агрохимиквий хусусияти яхшиланади. Ўсимлик касалликлари ва тупроқ эчқилиги камайди, экинлар ҳосили 15-20 фоиз ошади. Фермер хўжалиқлари хандақларда чувалчанг кўпайтирса, махсуслот таннархи ҳам арзонлашади.

Байрамбой Даулетияров "Эко аср бирлесу" кооперациясини ташкил қилиб, Кўнгирут тумани маҳаллаларидаги 70 дан ортиқ эҳтиёманд оилга чувалчанг тарқатди.

— Россияда ишлаб юрган пайтимда чувалчангдан фойдаланишни ўрганганман. Ушбу жонот кучли шўрланган ерни ҳам унмудор ерга айлантира олади. Еримизнинг катта қисми Орол фожияси оқибатида шўрланган. Чувалчанг бизнесини бошлаш гоёси менда ана шундан пайдо бўлди. Шўрланган ерни экин майдонига айлантиришни ният қилдим. Сўнг Бухоро вилоятида чувалчанг билан шуғулланадиган тадбиркорлар билан танишиб, улардан кўп нарса ўргандим. Ушбу соҳа учун дастлаб 40 миллион сўм сармою тикдим, — дейди кооперация раҳбари Байрамбой Даулетияров. — Беш ой дағанда кўнгирут туманидаги 70 дан ортиқ оилани иш билан банд қилдим. Биласизми, чувалчанг билан ишлаш осон эмас. Озуқа кам бўлса, чувалчанг чиқиб кетади, кўп бўлса, нафас олиш ва газ алмашинуви қийинлашади. Доимо чувалчангларнинг кўпайиши ва ривожланишини назорат қилиб туриш керак. Режаларим катта. Дастлаб ички бозорни таъминламоқчиман. Ҳозирги кунда "Аср" бренди

остида 3 килограммлик қопларда махсуслот чиқармоқдамиз.

Гўнг топиш қишлоқ шароитида муаммо эмас. Шунингдек, бу бизнесда бино ёки катта дастгоҳ, қиммат ускуналар ҳам зарур бўлмайди. Уни уй шароитида бемалол бошлаш мумкин. Чувалчанг боқилини қайси кун ва қайси ойда бошлашинг ҳам фарқи йўқ. Энг қўлай вақт баҳор, кўз ва ёздор. Чувалчанг аммиак ва юқори ҳароратга таъсирчан бўлади. Шу сабабли оқватланиш учун фақат ферментациядан ўтган ва совитилган гўндан фойдаланиш лозим. Бошқа органик чиқиндилар ҳам чириши керак. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хонаки куён гўни 5-10 кундан, от гўни 3-4 ойда, қорамол гўни 5-6 ойдан сўнг чувалчанг беришга тайёр бўлади.

— Жорий йил март ойда ҳар бир оила учун 4 миллион 50 минг сўмлик субсидия ажратилиб, "Санаат" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 12 та оилга чувалчанг тарқатилди. Уларга мутахассислар томонидан чувалчангни парварилаш ва кўпайтириш бўйича маслаҳатлар бериб келинмоқда. Айтишларича, 2 квадрат метр жойдаги чувалчанглари 5-6 ой ичида 10-15 квадрат метрга гача кўпайтириш мумкин, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Жамбўл Палимбетов. — Шунингдек, кооперация фуқаролардан бир квадрат метр жойдаги чувалчангни 1,5 миллион сўмдан, тайёр бўлган 1 килограмм биогумусни 2 минг сўмдан сотиб олади. Биз ҳисоб-китоб қилиб чиққанимизда, ҳар бир оила 1 ойда ўртача 4 миллион сўм даромад ишлаб топиши чамаланди.

Гўнг, бегона ўт, барг, дарахтовдалари, сомон, ўрадаги ювиндилар, ошхона, ҳайвонлар чиқиндилари, қоғоз, картон ва бошқа нарсалар чувалчанг учун озукдир. Гўнни тўплаб, 4-5 кунда бир сув сеиб туриш зарур. Агар биомасса тўплагига бур кукун, сундирилган оҳақ ёки доломит ундан чанглатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.



Чунки чувалчанг аччиқ муҳитни ёқтирмайди. Чувалчангни бинолар ичида ҳам, очиқ ҳавода ҳам боқса бўлади.

Ҳозир кўпчилик озиқ-овқат махсуслотлари экологик жиҳатдан тоза бўлишини истайди. Ривожланган давлатларда биогумусда етиштирилган озукта махсуслотлари гўнг ёки минерал ўғитларда етиштирилганига нисбатан каддори ва қиммат баҳоланади.

Бугунги кунда АҚШда 700 дан ортиқ хўжалик чувалчанг ёрдамида органик чиқиндиларни қайта ишлайди. Францияда эса ушбу технология билан шуғулланувчи корхоналар сони 2000 атрофида. Буюк Британия, Нидерландия, Германия ва Европанинг бошқа давлатларида биогумус ишлаб чиқарувчи хўжаликлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Шунингдек, Польша, Венгрия, Чехия ва бошқа Шарқий Европа давлатларида ҳам бу бизнес ривожланмоқда.

— Сўнгги пайтларда дунёда экологик тоза биоўғит ишлаб чиқариш учун янги технологиялар яратилмоқда. Биоўғитга эҳтиёжнинг

асосий сабаби инсон саломатлиги ва тупроқ унмуддорлигидир. Минерал ўғитлар, пестицидлар ва бошқа кимёвий ўғитлар дастлаб қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга имкон берган бўлса-да, кейинчалик кўпбал муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, чиринди йўқолиши, тупроқнинг нобуд бўлиб, кераксиз массага айланиши шулар жумласидандир, — дейди Оролбўйи халқаро инновация маркази директори Уринбосари Камалатдин Идирисов. — Биогумус барча турдаги ўсимликлар учун оптималлаштирилган ажойиб таркибга эга органик ўғит. Янги гўндан ўсимликларнинг кўзиқорин ва вирусли касалликлари бўлади. Биогумусда эса хатто яшовчан бегона ўт уруғлари ҳам бутунлай йўқ бўлиб кетади. Оғир металллар ва радионуклидларнинг фаоллиги 3-5 баробар камайди. Антисептик хусусиятлари тўғрисида ўсимлик касалликлари — вирус ва замбуруғни йўқ қилади.

Чувалчанглар ичагида гумин кислотаси бўлиб, ундан ўтган гўнг шу кислота билан тўйинади. Натижада ўсимликлар учун ажойиб таъсир қиладиган зўр ўғитга айланади. У, юқорида айтганимиздек, оддий ўғитга қараганда камида 10 баравар кучли ва табиий. Хулоса шунки, Оролбўйининг тупроқ-иқлим шароитидаги ўзгаришлар тўғрисида юзага келган муаммоларни ҳал этишда унинг аҳамияти катта.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

НУҚТАИ НАЗАР

СЕЙСМИК МУАММОЛАРГА МУНОСИБ ЕЧИМ

Табий офатлар орасида кучли zilzila аянчли оқибати, жиддий талафоти билан ажралиб туради. Табиатнинг ушбу ҳодисаси бир неча сония ичида юзлаб, минглаб инсонларнинг қурбон бўлишига ва жуда катта миқдорда иқтисодий зарар етишига сабаб бўлиши мумкин.



Бобомурод ҚУРБОНОВ, Фавкулдада вазирлар вазирлиги академияси хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғи ўринбосари, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Геологик жойлашуви кўра, Ўзбекистон Ўртаер денгизи — Осиё сейсмик камарида жойлашган. Шу боис, юртимиз ҳамда унга чегарадош худудларда тез-тез кучли ва сезиларли zilzilalar содир бўлиб туриши табиий ҳол. Айниқса, мамлакатимизнинг марказий, шарқий ва жануби-шарқий қисми сейсмик фаол худуд ҳисобланади. Айнан ушбу жойларда аҳоли зич истиқомат қилиши ҳамда кўплаб муҳим иқтисодий объектлар жойлашгани сейсмик хавфсизлигини таъминлаш нақадар долзарб аҳамиятга эга эканидан далolat беради.

Соҳани тақомиллаштиришга доир бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганига қарамадан, мамлакатимизда сейсмик хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммолар тўлиқ ҳал этилмаган эди. Жумладан, сейсмик кузатувлар тармоғи халқаро мониторинг тармоқларига интеграция қилинмаган, мавжуд станциялар юртимиз худудини тўлиқ мониторинг қилиш имконини бермас эди. Шунингдек, жисмоний имконияти чекланган шахсларни zilzila пайтида ҳаракатланишга ўргатиш йўлга қўйилмаган, аҳолининг барча қатлами ахтирмолий zilzilaga тайёрлаш соҳаси рақамлаштирилмаган ва АКТа тўлиқ интеграция қилинмаган эди.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони соҳадаги шу каби муаммоларга муносиб ечим бўлди.

Мамлакатимиздаги сейсмик фаол худудда яшаётган ҳар бир фуқаро zilzila хавфини эсдан чиқармаслиги керак. Бироқ шу кунга қадар аҳолининг барча қатлами, жумладан, давлат органлари раҳбарлар таркиби ва масъул ходимларини zilzilaga тайёрлаш бўйича алоҳида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилмаган.

Энди 2023 йил 1 январдан бошлаб сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат органлари раҳбар кадрлари ва ходимларини zilzilaga тайёрлашга мўлжалланган миллий электрон таълим платформаси яратилиб, он-лайн шаклда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилади. Мазкур курслар уч йилда бир мартаба миллий электрон платформасига киритилган замонавий дастурлар асосида амалга оширилади.

Бугун ҳеч бир соҳани ахборот технологияларисиз тасаввур қила олмаймиз. Жумладан, аҳолининг барча қатлами zilzilaga тайёрлашда қозғош шаклидаги буклет ва эслатмалардан, назарий маърузалардан фойдаланиб келинаётгани.



Бу йил 1 августга қадар Фавкулдада вазирлар вазирлиги томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда аҳолининг барча қатлами zilziladan олдин, zilzila вақтида ва zilziladan сўнг тўғри ҳаракат қилишга мустақил ўргатиш учун мўлжалланган мобиль илова ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади.

Яна бир янгилик: келгуси йили 1 июньга қадар Ўзбекистон Республикаси аҳолисини zilzilaga тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи ҳуқуқат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Жорий йил 1 июльга қадар ташкилотларга тегишли соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда zilzila ва унинг оқибатларига оид кўргазмаларни ўқув-услубий воситалардан фойдаланиб, амалий машғулотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Ваҳоланки, бунга қадар ташкилотларда тегишли соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда zilzilaga тайёрлаш бўйича амалий ўқув машғулотлари тизимли равишда олиб борилмаган.

2022 йил 1 августга қадар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳоли қатлами, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган шахслар учун zilzilaga ҳаракат қилишга мўлжалланган ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилади.

Zilzila пайтида амалий ҳаракатланишни ўргатишга мўлжалланган кўчма мобиль zilzila симуляторини яратиш бўйича мақсадли инновацион лойиҳа ишлаб чиқилади ва 2022-2023 йилларда амалга оширилади. Бу эса олис ва чекка қишлоқларда истиқомат қиладиган аҳолини zilzila пайтида ҳаракатланишга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Соҳада илм-фан жадал суръатда ривожланаётгани амалдаги сейсмик районлаштириш хариталарини янада тақомиллаштириш имкониятини яратди. Фанлар академияси Сейсмология институти олимлари томонидан 2017 йилда юртимизнинг янги умумий сейсмик районлаштириш харитаси тузилди ва Қўрилиш вазирлигида амалиётга татбиқ этилди. Аммо таъкидлаш кераки, бугун мамлакатимизда аҳоли сони ортиб бориши, марказий шахарларда барпо этилаётган осмонулар бино-иншоотлар, мавжуд ва янги қурилаётган гидротехник иншоотларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш учун соҳада мақсадли илмий-тадқиқот ишларини давом эттириш, шунингдек, жойларнинг сейсмик фаоллигини аниқ ҳисобга олиш учун умумий сейсмик районлаштиришдан ташқари ҳар бир шахар ва йирик аҳоли пунктлари учун сейсмик микро-районлаштириш хариталарини тузиш зарурати юзага келди.

Шу кунга қадар сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган амалий ва инновацион лойиҳалар етарли даражада молиялаштирилмаган.

2022 йил 1 августга қадар сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳаси муаммолари илмий ечимига қаратилган тақдирлар ўрнатилган тартибда шакллантирилиб, молиялаштириш масаласини ҳал қилиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади.

Фармон билан тасдиқланган концепция ва "Йўл харитаси" орқали соҳада илм-фанни янада ривожлантириш ва натижаларини амалиётга жорий этиш, сейсмопрогностик мониторинг тармоғини янада тақомиллаштириш, аҳолининг барча қатлами zilziladan олдин, zilzila вақтида ва zilziladan сўнг тўғри ҳаракатланишга тизимли ўргатиш ҳамда уларнинг тайёрлигини мунтазам ошириб бориш каби комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, кучли zilzila оқибатида мамлакатимизда юзага келиши мумкин бўлган жиддий талафотларни сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилади.

ИННОВАЦИЯ

Бугун замонавий жамиятнинг илғор технологияларисиз, ҳаётимизни эса компьютерларсиз тасаввур қилиш қийин. Интернет давримиз тимсоли сифатида аста-секин атрофимизни ўраб, ҳатто руҳиятимизга ҳам жадал кириб келяпти. Яқин келажакда ҳаётимизни булутли технологияларсиз тасаввур қила олмай қоламиз. Бундай дейишимизга сабаб, булутли технологиялар компьютерлаштириш жараёнининг кейинги босқичидир. Яъни энди биз компьютер, планшет ёки телефонга дастурларни кўчириб олиб ўрнатиш заруратидан халос бўламиз. Чунки бизга барча қўлайлик интернет тармоғи орқали булутли технологиялар асосида яратиб берилади. Бундай технологиялар кейинги даврда давлат бошқаруви, бизнес, фан, таълим, хуллас, ҳаётимизнинг барча жабҳасига шиддат билан кириб келаятган инновацион интернет технологияларидир.

БУЛУТЛИ ҲИСОБЛАШ

Замонавий хизматлар энди ана шунга асосланади



Одил МУХТОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий котиби, физика-математика фанлари номзоди

Бу жараёнда маълумотлар устида ишлаш технологиялари, компьютер ресурслари ва имкониятлари фойдаланувчига интернет хизмати орқали тақдим этилади. Давлат органлари, йирик ва кичик компаниялар, биржа ва савдо-сўғлиқни сақлашда касаллик тарихи, фуқароларнинг барча маълумоти, бизни ўраб турган ҳаётимиздаги турфа воқеа-ҳодисалар тафсилоти, бугун ахборот "булутлар"да жойлашган бўлиб, улардан Ер шарининг исталган нуқтасида тезкор равишда фойдаланиш мумкин бўлади. Бу глобаллашув жараёнининг янада тезлашишига олиб келади.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб булутли технологияларни жорий қилди. Президентимизнинг 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланимаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан иқтисодиётда булутли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. "Ўзбектелеком" АК томонидан давлат органлари, муассасалар, ҳўжалик юритувчи субъектлар, аҳолининг ахборотни сақлаш ва узатиш бўйича ортиб бораётган талабни қондирувчи UZCLOUD (видеоконференцалоқа ва масофавий иш хизматлари қўсатувчи) булутли маълумотлар маркази яратилди. Шунингдек, булутли ҳисоблашга асосланган замонавий хизматлар кенг жорий этилмоқда.

"Ўзбектелеком" АК булутли маълумотлар маркази негизда интернет хизматлари қўсатувчи жаҳон компаниялари билан ҳамкорликда сервер ускуналарини маҳаллийлаштириш ва IT гигантларнинг кўплаб хизматлари амалга ошди.

Шу йилнинг 17 май куни Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институтига Россиянинг Дубна шаҳрида жойлашган Бирлашган ядро тадқиқотлари институтининг Ахборот технологиялари лабораторияси директори, физика-математика фанлари доктори, профессор В.Кореньков келди. У "Параллел ва тақсимланган ҳисоблашлар. Бирлашган ядро тадқиқотлари институти аъзолари бўлган давлатларнинг булут инфратузилмаси" мавзусида маъруза қилди. Ушбу лабораторияда кўп функционал ахборот-ҳисоблаш мажмуаси лойиҳаси амалга оширилган бўлиб, бу ҳар хил турдаги илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш борасида оптимал ёндашувларни таъминлаш учун суперкомпьютерлар, грид, булутли мажмуалар ва тизимларни бирлаштирган ахборот ва ҳисоблаш муҳитини ташкил этади.

Бирлашган ядро тадқиқотлари институти лабораториясининг марказий ҳисоблаш мажмуаси негизда яратилган RDIG тармоқ сегменти (Россиянинг маълумотлар интенсив операцияси учун гриди), WLCG (LHC учун жаҳон ҳисоблаш гриди) ҳамда EGI (Европа грид инфратузилмаси) тармоқ инфратузилмаларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шунингдек, халқаро лойиҳаларнинг виртуал ташкилотларини, жумладан, LHC (катта адрон коллайдери) тажрибалари бўйича фаолият қўрсатади.

Шу кунги бўлиб ўтган учрашувда жорий йилнинг 1 сентябрга қадар Бирлашган ядро тадқиқотлари институти грид тармоғининг Ўзбекистон Фанлар академияси ва Ядро физикаси институтида иккита алоҳида булутли грид тармоғини ташкил этиш ва Бирлашган ядро тадқиқотлари институти тармоғига улаш тўғрисида келишиб олинди. Бу мамлакатимиз олимларига жуда қиммат суперкомпьютерларни сотиб олмасдан, Бирлашган ядро тадқиқотлари институти ва Европа булутли тармоқларида катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва мураккаб илмий ҳисоб-ки-тоблар ўтказиш имконини беради.

Булутли технологиялар ҳар бир фуқаронинг, ишчи-ҳодимнинг, тадбиркор ва банкирнинг, шифокор ва ўқитувчининг, ҳуқуқшунос ва ҳисобчининг, талаба ва пенсионернинг асосий маспахатгўйига айланади. Булутли хизматлар мақсад ва вазифалар, лойиҳаларимизга эришиш учун интернет хизматлари сифатида тақдим этиладиган масофавий сервердаги иш платформамиздир. Булутли хизматнинг энг оддий мисоли электрон почтадир. Шунингдек, ҳозир кенг тарқалган телеграмм, фейсбук, инстаграм каби ижтимоий тармоқлар ҳам булутли технологиялар асосида ишлайди. Давлат хизматлари агентлиги сайти орқали кўрсатиб келинаётган хизматлар ҳам булутли технологияларга мисол бўла олади.



Замонавий тизим афзалликлари

Булутли технологияларга ўтиш қатор афзалликлар беради. Жумладан, ўз серверингизни сотиб олишингиз шарт эмас. Ахборот инфратузилмасини ўрнатиш ва бошқариш учун мутахассислар ёллаш ҳам шарт бўлмайди. Чунки сервер виртуализацияси, гипервизорлар, виртуал ресурсларни таъминлаш, булутли маълумотлар базалари ва бошқа платформаларни сошлаш ҳамда сақлаш каби ишларни провайдерларнинг ўзи бажаради. Шунингдек, серверлар, маълумотлар базалари, платформалар ва юқори малакали мутахассисларни талаб қиладиган бошқа хизматлар бошқарувини провайдерга топширишингиз мумкин. Бу бошқариладиган хизматлар деб аталадиган аутсорсингнинг энг юқори даражасидир. Улар тезда янги лойиҳаларни ёки стартаплар ва тадқиқот бўлимлари учун виртуал платформаларни ишга тушириш имконини беради. Қолаверса, ҳисоблаш ресурсларини ижарага олиш ва улардан бизнесга доир фаразларни синаб кўриш учун зарур маҳсулотларни тез ишлаб чиқишда фойдалана олади. Бу мобиль илова ва ўйинлар, ҳайдовчиликни ўрганишга мўлжалланган дастурлар, компания миқозларга сотадиган виртуал дастурий ечимлар бўлиши мумкин.

Булутли тизимларга уланган турли автоматик қурилмалар носозлик ва бахтсиз ҳодисалар хавфини дунёдаги барча шундай воқеаларни ҳисобга олиш орқали камайтириш йўлини оптималлаштиради. Фавкулдада ҳолатларнинг олдини олиш учун булутли технологияларда турли офатлар сценарийларини тузиш ва салбий таъсирини имкон борича камайтириш мумкин.

Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, замонавий булутли технологиялар бизнес имкониятларини кенгайтиради. Аниқроғи, IT аутсорсинг тенденцияси кучаяди. Ҳисоблаш ресурслари, маълумотларни сақлаш тизими, қайта тиклаш, ахборот хавфсизлиги хизматлари, обунавий дастурий таъминотлар, дастурий бошқарув ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мутахассисларнинг прогнозига кўра, кейинги бир неча йил биз булутли хизматлар бозорининг жадал ўсшини кузатамиз. Чекка худудларда ҳам бу жараён юқори тезликдаги интернет кириб бориши билан боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, компаниялар ахборот тизимларининг гибрид архитектураларида булутли технологияларнинг улуши ортади. Чунки булутлардан фойдаланиш тажрибаси, муваффақиятли бизнес кейслар сони ва шунга мос равишда ишонч даражаси ошиб боради.



Янги концепция ишлаб чиқилмоқда

Булутли технологияларни ривожлантиришнинг яна бир жиҳати бор. Яъни маълумотларнинг экспоненциал ўсиши сақланган маълумотларнинг асосий қисми талаб қилинмайдиган ва учирилмайдиган архив нуسخаларига тўғри келади. Узоқ муддатли истиқболга келсак, булутли хизматларнинг ривожланиши машинавий ўрганиш тизимларини жорий этиш билан боғлиқ.

Ҳозир булутларда ҳисоблаш концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Бу маълумотларни сақлаш ва тахлил қилиш учун маълумотлар маркази тармоғининг нафақат марказий манзилларида жойлашган серверлар, балки кўп сонли географик тақсимланган шахсий қурилмалар (компьютерлар, планшетлар, гаджетлар, дронлар)нинг ресурсларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Машиий техника ва шу каби бошқа кенг тарқалган қурилмалар, атрофимиздаги деярли барча қурилмаларга ҳисоблаш қувватини тақсимлаш тамойилини амалга ошириш имкони бўлади.

Булутли технологиялар инсониятнинг яқин келажаги бўлиб, барча соҳада глобаллашувнинг асосий элементидир. Бундай технологиялар онлайн фаолиятимизнинг энг юқори поғонаси бўлган виртуал фаолият ривожига олиб келади. Виртуал шифохоналар, университетлар, иш ўринлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда булутли технологиялар келажаги ташки интернет тармоғи тезлиги билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда халқ ҳўжалигининг барча соҳасида булутли технологияларни жорий этиш орқали иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимизда кескин ривожланишга эришиш мумкин. Ҳозир юртимизда бу бордаги саъй-ҳаракатлар келажакка ишонч билан қарашга ундайди.

АБАДИЯТ КЎПРИКЛАРИ



Умид БЕКМУХАММАД,
Урганч давлат университети ўқитувчиси

Бирок улар ичида 1414 йилнинг 7 ноябрида Нишопур яқинидаги Жом шаҳрида туғилган Абдурахмон Жомийгина адабиёт тарихида муҳим из қолдира олди. Абдурахмоннинг ота-боболари даштлик бўлиб, қандайдир сабаб билан Жомда туриб қолган. Шойрлик эса унга бобоси Мавлоно Муҳаммад, отаси Низомиддин Аҳмаддан ўтган. Отаси Хиротта шайх ул-машоихи этиб тайинланганидан сўнг уларнинг оиласи Хуросон пойтахтига келиб ўшаёқ бошлайди. Абдурахмон Хироттадаги Низомия мадрасасида Хожа Алоуддин Али Самарқандий, Шаҳобиддин Муҳаммад Жожарий каби ўз даврининг фозилларидан тахсил олиб, замонасининг етук илмли шахсларидан бири бўлиб етишди.

Шу билан бирга, у Самарқандга бориб, Улугбек мадрасасида Қозизода Румий, Мирзо Улугбек, Али Қулчи, Фазлulloҳ Абуллайсдан таълим олади. Нақшбандия тариқатининг Хуросону Мовароуннаҳрда донг таратган пешволаридан Шайх Саъдийдин Кошгарийга қўл бериб, уни пири деб тан олади ва вақт ўтиб пирининг қизига уйланади. 1469 йилда Хуросон тахтини Бойқаро эгаллаган, Жомийни ўзига пир ва устоз дея эълон қилади. Натижада Жомийга нафақат Бойқаро, балки кўплаб мулкдорлар ҳам мурувват кўрсатади. Жомий эса ана шу даромаддан ва ўзига тегишли мулкдан келган фойда эвазига Хироттада иккита мадраса ва хонақоҳ, Жомда бир масжид қурдиради.

Айни пайтда у ижодкор сифатида "Ҳафт авранг", "Рисолаи мусликий", "Нафаҳот ул-унс", "Лужжат ул-асрор", "Ашият ул-ламаот", "Рисолаи муаммо", "Фотиҳат уш-шабоб", "Воситат ул-иқд", "Хотимат ул-хаёт", "Юсуф ва Зулайхо", "Лайли ва Мажнун", "Саламон ва Абсол", "Хирадномаи Искандарий" сингари бадиий баркамол асарлар яратди. Унинг асарлари ўша даврда шу қадар машҳур бўлганки, ҳатто Хуросонга яқин давлатлар ҳукмдорлари махсус элчилар йўллаб, унинг асарларини олиш учун келишгани тарихий асарларда қайд этилган.

Навий ва Жомийнинг ёши орасидаги фарқ 27 йил бўлиб, улар пиру мурид тутинган. Икки буюк мутафаккир ўртасида 1476 йилдан бошлаб яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ҳар иккала ижодкор ўз даврининг йирик мулкдорлари, аҳли муслмоннинг таянчи даражасига етишган. Бойқаро салтанатининг барқарор бошқарилишига, кўплаб низолар бартараф этилишига ҳисса қўшишган.

Жомийнинг замондошларидан Али Сафий "Рашаҳот" китобида улуг шoir ҳаж зиёратига

Ўзбек ва тожик халқлари ҳамда адабиёти ўртасидаги дўстлик тарихи олис мозийга бориб тақалади. Агарки, бу дўстликка, қардошликка тимсол сифатида бирор шахсни танлаш ҳақида сўз кетса, шубҳасиз, бу Абдурахмон Жомий бўлади. Жомий номи тилга олинганда кўпчилик Навоийнинг замондоши Абдурахмон Жомийнинггина тушунади. Тарихда эса Жомий тахаллуси билан ижод қилган алломалар, шoirлар, мутафаккирлар жуда кўп. Бунга ХII асрда яшаган Аҳмади Жомийни, Нишопурда яшаган Хўжа Қутбиддин Аҳд Жомийни, Хиротта истиқомат қилган Мавлоно Муҳаммад Жомийни, Хиндистонда умргузаронлик қилган Жалолиддин Жомий ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.



66 1469 йилда ХУРОСОН ТАХТИНИ БОЙҚАРО ЭГАЛЛАГАЧ, У ЖОМИЙНИ ЎЗИГА ПИР ВА УСТОЗ ДЕЯ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. НАТИЖАДА ЖОМИЙГА НАФАҚАТ БОЙҚАРО, БАЛКИ КЎПЛАБ МУЛҚДОРЛАР ҲАМ МУРУВВАТ КЎРСАТАДИ. ЖОМИЙ ЭСА АНА ШУ ДАРОМАДЛАРДАН ВА ЎЗИГА ТЕГИШЛИ МУЛҚДАН КЕЛГАН ФОЙДА ЭВАЗИГА ХИРОТДА ИККИТА МАДРАСА ВА ХОНАҚОҲ, ЖОМДА БИР МАСЖИД ҚУРДИРАДИ.

борганда рўй берган бир эътиборли воқеани ёзиб қолдирган. Унда қайд этилишича, хиротлик бир олим ҳам Жомий билан Макка ва Мадинага боради. Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш давомида Жомийга сафардош олим касалланиб қолади. Бир неча кундан кейин Жомий сафардошини кўришга келади ва унга:
— Жуда узоқ ётиб қолдинг-ку, — дейди.
Хаста олим эса, Жомийнинг байти билан жавоб қайтаради:

*Гар бар сари бемори худ ойи бад иёдат,
Сад сал ба умеди тў бемор тавон буд.*

Яъни:
*Агар беморни ўзинг кўрган
Келадиган бўлсанг,
Келишини умидида юз йил
кутиб ётса арзийди.*

Бундай жавобдан Жомий хушхол бўлиб, кўзини юмганича, бир оз сукут сақлайди. Кўп ўтмай беморнинг пешонасидан тер оқа бошлайди.

— Ана энди бир оз ўраниб ёт. Шифо топасан, — дейди Жомий.
Бемор қаттиқ терлаб, дарддан фориг бўлади ва уч кундан сўнг бутунлай тузалиб, Жомийнинг хузурига боради.

Ана шу қутлуғ сафарда бўлган бошқа бир олим ҳам қаттиқ касалга чалинади. Атрофидигилар ундан умидини узиб, кўмиш тадоригини кўра бошлайдилар. Ногоҳ бемор ётган хонага Жомий кириб келади. Унинг унғ қўлидан тутиб, кўйлагини тирсагигача кўтариб, бир неча марта сийлайди ва кўзини юмган ҳолда сукутга кетади. Беморда қувват пайдо бўлади ва бир неча кундан сўнг батамом тузалади.

Шoirнинг замондошларидан Муҳаммад Раважий бир кун баҳор фаслида Жомий билан сув тўла Руди Молон анҳори қирғоғида ўтирган экан. Шунда улар суьда бир тошбақа оқиб келаётганини кўриб қолишади. Жомий тошбақани қутқариб олади ва кафтини бир неча марта унинг устида юргизади. Тириклик асари бўлмаган тошбақа аста-секин ҳаракатга келиб, қочиб ўрнига Жомийнинг кучоғига чиқиб ётади. Ўринларидан тургач, Жомий тошбақани ерга қўйиб йўлда давом этади. Тошбақа эса анча жойгача Жомийнинг орқасидан эргашиб боради ва отлар тезлашиб кетгач, орқада қолиб кетади.

Ҳа, замондошлари наздида шoir Жомий нафаси ўткир уламо ҳам бўлган.

Бир неча бор ҳаж зиёратига бўлган шoir Хуросондан ташқари Бағдод, Нишопур, Тошкент, Бастом, Домғон, Қазвин, Ҳамадон, Карбало, Дамашқ, Ҳалаб, Табриз сингари Шарқнинг машҳур шаҳарларига, у ердаги зиёратгоҳларга ҳам борган.

Восифийнинг "Бадое ул-вақое" асарида Жомий ҳам Навоий сингари гоят камтарин инсон эканига оид бир воқеа келтирилади. Унга кўра, Навоий ва Жомий яшаган даврда Хиротта Мавлоно Наҳвий Ҳиравий деган кекса шoir бўлган. У қандайдир сабабга кўра Сеистон ва сеистонликлардан хафа бўлганидан куйидаги байт билан бошланадиган бир ҳажв битади:

*Саргаштатар зи ахтарам
аз гардиши фалак,
Толей наекунад мададу бахт-ҳеч як.
Афтодаам ба хиттаи вайронае, ки хаст-
Бодаш самуми оташию хоки у камак...*

Яъни фалакнинг гардиши билан юлдуздан ҳам сарсонроқман, на толеим, на бахтим — ҳеч

бири мадад қилмайди. Шундай бир хароб жойга тушдимки, шамоли ўтли гармселу тупроғи туздан иборат...

Шунда бу ҳажвга сеистонлик Қозизода деган шoir жавоб қасида ёзади. Унда куйидаги сатрлар бор эди:

*Гар айбихоки поки Сеистон кунад касе,
Дарё палид менашава аз даҳони саг...*

Қасиданинг мазмуни шу эдики, агар Сеистоннинг пок тупроғини биров айбласа, зарари йўқ, чунки ит тумшуғи теккан билан дарё харом бўлиб қолмайди.

Алишер Навоий бу жавоб қасидани эшитиб, "Қозизода етук фозил эканки, наҳот мен уни шу пайтгача кўрмабман, таниш эмас эканман", дея афсусланади ва хузурига қорлайди.

Қозизода Навоий хузурига келгач:
— Мен мавлоно Наҳвийнинг ҳажви ва сизнинг жавобингизни ўқидим. Ўзингиз айтинг-чи, буларнинг қайси бири яхшироқ чиққан? — дея сўрайди.

— Меники яхшироқ, — дея жавоб қайтаради Қозизода.

Бундай жавобдан, табиийки, Навоий таажжубланади. Чунки ўзи камтар бўлганидан Қозизоданинг юксак иқтидорига асосланиб, ундан ҳам камтарликни, жавобда ўзини паст тутиб, ёши улуг мавлоно Наҳвийникини яхшироқ, дейишини кутган эди. Аммо...

— Жуда яхши, аммо нима учун сизники яхшироқ? — дея қайта сўрайди Навоий.



— Чунки, — дейди Қозизода, — мавлоно Наҳвийнинг Сеистон ва сеистонликларни ҳажв қилиб айтган ҳамма гапи рост, мен у кишига жавоб қилиб ва Сеистонни таърифлаб айтган ҳамма гапим ёлгон ва хаёлий. "Аксаби ўст-аҳсани ў" (энг ёлгон шеър энг яхшидир) деганлар, шунинг учун меники яхшироқ.

Бунга қисқа изоҳ берадиган бўлсак, Навоий даврида шундай гап бор эдики, шеър ҳақида "акзабуҳо-аҳсануҳо", яъни энг ёлғони, энг мулолағалиси — энг яхшиси, дейилар эди. Қозизоданинг жавоби мана шу нуқтан назарга асосланганди.

Навий ҳазратлари Қозизоданинг бундай оқилона ва шoirона жавобидан хурсанд бўлиб, унга ҳадялар инъом қилади. Шундан сўнг кунларнинг бирида у Қозизода билан суҳбатидан ҳаяжонланганидан ўзининг яқин маслақдоши, устози Жомий хузурига боради ва унга бу тўғрида гапириб беради. Шунда Жомий ҳам Навоийнинг Қозизода ҳақидаги таърифидан таъсирланиб:

— Афсуски, мен унинг манзилини билмайман, билсам унинг олдига борар эдим, — дейди.

Навий Жомийнинг олдидан қайтиб келгач, хизматкорларига Қозизода олдига бориб, уни Жомий хузурига юборишларини буюради. Бўлмаसा ул киши ўзи ахтариб чиқиб, уриниб қолиши мумкин, дея ўйлайди.

Бу хабарни эшитиши билан Қозизода Жомийнинг уйига қараб йўл олади. Афсуски, Хиротта биринчи келиши бўлиб, Жомийни эшитган, аммо кўрмаган эди. У Жомий бадавлат, ўз даврининг доврўқли кишиси бўлгани учун, ўша замон одатига кўра, катта салла ўраб, бир неча қават зарбоф ва ипак кийимлар кийиб юрса керак, деб тахмин қилганди.

Жомий ҳазратлари эса худди Навоийдек камтарин бўлиб, қишин-ёзин бир серпахта чопон кийиб, белини ҳаммомчиларнинг фўтаси билан боғлаб юрар, фўтанинг учини осилтириб боғлар эди. Бошига эса убайдиқ тахияси (гулсиз оқ Самарқанд тахияси — дўпписи) кияр, унинг устидан кичкина бир салла ўрар ва ўзидан бир қарич узун тол ёғоч ҳасса тутиб юрар эди.

Қозизода Жомийнинг ҳовлисига кирганида у ерда ҳеч ким йўқ экан. Шу боис, эшик олдидаги супа лабида оёғини осилтириб ўтиради ва кимдир чиқишини кутади. Шу пайт Жомий юқорида айтилган оддий қиёфада чиқиб, меҳмонга салом беради.

Қозизода бу шахсни Жомийнинг ошпази ёки хизматкори бўлса керак, деб ўйлайди ва ўридан турмасдан ҳамда ҳурмат қилмасдан:

— Ҳазрати мулло уйдадилар? — дея сўрайди.
— Шу пайтгача уйда эдилар, — дейди Жомий табассум қилиб.

— Ажаб! Бундай азизларнинг хизматида доим саволга тўғри жавоб беролмайдиган ва сабабсиз куладиган хизматкорлар бўлади, — дейди Қозизода ўзига ўзи ва Жомийга қараб гапини давом эттиради:

— Эй гаран! Кириб жаноби маҳдумга сеистонлик Қозизода зиёрат қилгани келибди, десанг нима қилади? Агар марҳамат қилиб қадам ранжида қилсалар, ажаб эмас.

Жомий ўзини тутолмай қаттиқроқ кулади. Шунда Қозизода қизишиб:

— Баракалла, сизга кулги жуда ярашптими? — дейди.

Шу пайт Хиротнинг улуглари ҳам Жомий ҳазратларини зиёрат қилгани келиб қолади. Улар Жомийни эшик олдига кўргач, бирдан отдан тушади, камоли эҳтиром билан кўлларини қовуштириб, Жомийга гилиб салом беради.

Қозизода бу ҳолни кўриб, кўнглида "Субҳоннолло, Жомий шунчалик улуг одам эканки, замона улуглари унинг энг паст хизматкорига бунчалик эҳтиром ва таъзим қилмоқдалар", дея ўйлайди.

Хуллас, ҳамма меҳмонлар уйга киради. Жомий одатда машваратларда барча меҳмонлардан куйида ўтирар ва уларга шахсан ўзи хизмат қилар эди. Қозизода ҳам меҳмонлар қаторида ўтирарди. Суҳбат ва музокара бошланади. Қозизода ёнида ўтирган Мир Атоуллоҳдан секингина сўрайди:

— Ҳазрати маҳдумга олим ва шoirлар хизматига келганини нега билдиришмаяпти?

Мир Атоуллоҳ Қозизоданинг бу саволидан ажабланиб, секин кулгоғига:

— Сиз бу ерлик эмасмисиз? — деб шивирлайди ва кўзи билан Жомийга имо қилиб:

— Ана шу киши ҳазрати Жомий бўладилар, — дейди.

Шунда Қозизода ўзини шарманда бўлган ҳисоблаб, ер ёрилса-ку, ерга кирсам, дея бирдан ўридан сакраб туриб, дахлизга чиқади-да, кафшини киймасдан ҳам ялангоёқ ура қочади.

Бирок у ўрнидан туриб дахлизга чиқиши билан Жомий машварат пойгоҳида ўтирган йигитларга:

— У қочиб кетмоқчи, дарҳол ушлаб келинлар, — деб буюради.

Йигитлар Қозизодани ушлаб келишади. У бошини эгиб:

— "Ал-мусофиру кал-аъмо" (мусофир кўр сингаридир), — деб зорланади.

Жомий ҳазратлари эса:

— Худо ҳақки, мен бутун умрим бўйи ҳеч кимнинг суҳбатидан бу қадар хурсанд бўлмаган эдим, сиз билан учрашганимдан шодман, — дейди ва унга илтифот кўрсатиб, меҳрибонлик қилиб, хурсанд этади ва хижолатдан қутқаради.

Ҳа, Жомий ана шундай камтарин инсон бўлган.

Ҳижрий 898 йил муҳаррамнинг ун олтинчисида, милодий 1492 йилнинг 7 ноябрида Абдурахмон Жомий шамоллаш натижасида 78 ёшида вафот этади. Навоий устозининг ягона



фарзанди Зиёвуддин Юсуф билан таъзияларни қабул қилади, пирининг вафотига атаб "Қашфи асрори илоҳ"ни Хиротнинг энг машҳур воизларига шаҳарда баланд овозда ўқишни топширади.

Жомий ҳазратларини ҳаётлигида ҳам ардоқлаган. Хуросон ҳукмдори ва мулкдорлари вафотидан сўнг ҳам уни эъзозлашади. Шунингдек, Навоий таъсияси билан Абдулвосеъ Низомий "Мақомоти Мавлавий Жомий" асарини яратди. Асарда Алишербекнинг Жомий маърака-маросимларини ўз зиммасига олиб, йилдоҳда халққа ош бергани, қабри устига току равоқли ва гардуносо қуббали иморат барпо этилгани ҳам ёзилган.

Хуллас, Жомий ҳаёти билан боғлиқ бундай воқеий ҳикоятлар кўпки, улар орқали ўз даврининг буюк мутафаккири ҳақидаги тасавуриримиз бойийди. Зеро, Жомий ва Навоий устоз ва шoirд, дўст, икки халқни бир-бирига боғлаб турувчи абадиёт кўприқларидир.